# Мустақилликнинг 14 йиллиги олдидан

## ЭЪЗОЗЛИ ВА ЗАРУР ДАСТУР

***«Армия–давлат таянчи, тинчлик кафолати». Яқинда «Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятида шу ном остида нашрдан чиққан(Тузувчилар: тарих фанлари доктори, профессор Ҳамдам Содиқов, тарих фанлари номзоди, подполковник Ислом Иноятов, Республикада хизмат кўрсатган журналист Сафар Остонов ва бошқалар) бу китоб чиндан ҳам Ватан тарихини севган ҳар бир юртдошимиз учун зарур қўлланмадир. Унда Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан то бугунгача бўлган даврдаги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тарихи, ютуқлари, муаммолари ёрқин акс этади.***




**Армиянинг профессионаллиги энг аввало ҳарбий хизматчиларда қатъий ҳаётий позицияни, шунингдек, ватанпарварлик дунёқарашини, уларга ишониб топширилган қурол–яроғ ва техникани эгаллаш ҳамда ишлатишда юксак ҳарбий маҳорат ва профессионал кўникмаларни тарбиялаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.**

**Ислом КАРИМОВ**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.**

Хўш, ўз–ўзидан бир савол туғилиши табиийдир. Миллий армия тузиш ғояси қачон ва ким томонидан илгари сурилган? Асосий сабаблар нималардан иборат?

Китобда бу саволларга жавоблар тўла–тўкис берилган.

«... Қуролли кучларимизни ташкил этиш фикри,–деб ёзган эди Ислом Каримов,–менда илк бор 1991 йил август ойида, Москвада ГКЧП бош кўтарган таҳдидли кунларда пайдо бўлган эди. Эҳтимол, бугунги ёшларимиз буни яхши билмас, аммо 1991 йил 18 август куни Москвада Марказий бошқарув ва ҳарбий идораларда энг юқори лавозимларни эгаллаб ўтирган бир гуруҳ амалпараст, фитначи шахслар СССРнинг амалдаги президенти М.Горбачевни ўз вазифасидан четлатиш учун давлат тўнтариши уюштирган ва бутун ҳокимият ГКЧП – Фавқулодда ҳолат давлат комитети тасарруфига ўтди, деб эълон қилган эди. Ўша кунларда мен Ўзбекистон раҳбари сифатида расмий ташриф билан Ҳиндистонда сафарда эдим. 1991 йил 19 август куни кечқурун сафардан қайтиб келганимда мени Тошкент аэропортида биринчилар қаторида Туркистон ҳарбий округи қўмондони ва Москва йўллаган бир неча генераллар кутиб олди. Агарки, хаёлан ўша дамларга қайтиб, ўша вазиятни бир сўз билан ифода қилиб айтадиган бўлсак, аэропортнинг ўзидаёқ қандайдир бир кескинлик, таҳлика ва хавф–хатар нафаси ҳавода кезиб юргандек туюларди.»

Президент Ислом Каримов бундан 14 йил муқаддам мавжуд тарихий вазиятни ўзининг шахсий кечинмалари орқали таҳлил этгани диққатни жалб қилади.

– Бу генералларнинг кўриниши,–деб хотирлайди Президент,–важоҳати, гап–сўзлари битта маънони англатар эди. Яъни уларнинг қиёфаси, фавқулодда шахдам қадам ташлашидан, худди, бўлди энди, ўзини эркин тутиш, эркин фикр юритиш, марказнинг буйруқларини муҳокама қилиш замони ўтди, энди бизнинг айтганимизни бажарадиган вақт келди ва мана шундай тартиб–интизомни биз ўргатамиз, деган очиқ таҳдидни ҳис қилиш мумкин эди. Улардан баъзиларининг ҳовлиқиб, ўпкасини босолмай, Ўзбекистонни бошқа республикалар қаторида яна шундай ҳаракатларни қўллаб–қувватлаш учун шошилинч равишда қарорлар қабул қилиш ва амалга оширишга тезлагани ҳали–бери ёдимда турибди. Шундай қалтис дамларда ҳарбийларнинг майдонга чиқиши, ўз қудрати ва ҳукмронлигини намойиш этиши ва керак бўлса, ҳеч нарсадан тап тортмай куч ишлатишга тайёрлигини сезиш, бундай пайтда армиянинг нақадар даҳшатли кучга айланиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас эди... Ўзбекистонни ўзи танлаган тараққиёт йўлидан қайтаришга қаратилган жиддий ҳаракатлар Миллий армиямизни шакллантириш ҳақидаги фикр ва мақсадларни уйғотишга ва бу борада амалий ишларга ўтишга сабаб бўлди, десам ҳақиқатни айтган бўламан...

Чиндан ҳам 90–йиллар манзараси мураккаб эди. Янги вужудга келган мустақил давлатнинг Мудофаа вазирлиги қайси бинода жойлашганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Дастлаб вазирлик учун Президент Девони биносида бир хона ажратилди. 1991 йилнинг октябрида эса вазирлик Мустақиллик майдонидаги Фуқаролар мудофааси қўмитаси биносига кўчирилди ва унда 12 офицер, 3 ходим иш бошлади. Орадан уч ой ўтар–ўтмас, Президент Мудофаа ишлари вазирига қўнғироқ қилиб: «Сен қаерда ўтирибсан?» деб сўрайди. Жавобини эшитгач: «Нима сабабдан Туркистон ҳарбий округи биносига ўтмадинг? Ўша ерга кўчгин!» деб топшириқ беради. Айни пайтда, Туркистон ҳарбий округи қўмондони генерал–лейтенант Кондратьевга ўз биносидан Республика Мудофаа вазирлигига жой ажратиш топширилади. Орадан чамаси икки–уч ҳафта ўтгач, Президент яна ўша савол билан мурожаат этади. Мудофаа вазири: «Топшириғингиз бажарилди, вазирлик Туркистон ҳарбий округи биносига кўчирилди», деб рапорт беради. Шунда Президент: «Мудофаа вазирлиги ўша ерда жойлашганлигини ким билади? Мен ҳар куни икки марта ўша ердан ўтаман, аммо «Туркистон ҳарбий округи қўмондонлиги» деган ёзувни кўряпман, холос. Энди фуқароларимиз Ўзбекистоннинг ўз Мудофаа вазирлиги, давлат ва фуқароларимизнинг ҳимоячиси борлигини билиши керак», дейди. Эртаси куни эрталаб генерал Кондратьев хизматга келганида, бино узра Ўзбекистон Республикаси байроғи ҳилпираб тургани ва эски ёзув ўрнида «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги» деб ёзилган пешлавҳасини кўриб ғазабга келади. Мудофаа вазирининг ҳузурига важоҳат билан кириб, ғазабини яширмай: «Туркистон ҳарбий округи 1867 йилдан бери бу ерда турган, бундан кейин ҳам туради», дея Туркистон ҳарбий округи биносидан Ўзбекистон байроғини ва янги пешлавҳани олиб ташлашни талаб қилади. Талаби бажарилмаган тақдирда Москвага мурожаат этиши ва шахсан Республика президенти Ислом Каримовга ҳам айтишини билдиради. Ўша кунгача Туркистон ҳарбий округи қўмондонлари учун республикадаги барча раҳбарларнинг эшиклари доим очиқ эди. Ўшанда биринчи бор Туркистон ҳарбий округи қўмондони Президент ҳузурига кира олмайди. Ўсал бўлган генералга Президент Республика мудофааси билан боғлиқ барча масалаларни ўз мудофаа вазири орқали ҳал қилажаги ва барча саволлар билан мудофаа вазири ёки мудофаа масалалари билан шуғулланувчи Президент маслаҳатчисига мурожаат этиш мумкинлиги билдирилади. Шу пайтгача айтгани–айтган, дегани–деган бўлишига ўрганган генерал Кондратьевнинг Давлат маслаҳатчиси олдига кириб, ўз норозилигини изҳор этишдан бошқа иложи қолмайди. Шундан сўнг Президент мудофаа вазирини ҳамда Давлат маслаҳатчисини ҳузурига чақиради ва вазирдан кулимсираб: «Нима тўполон бошлаб юрибсан?» деб сўрайди. Топшириқни Президент томонидан берилганини англамаган маслаҳатчи вазирга унинг хатти–ҳаракатлари Конституцияга зид эканлигини, Ўзбекистон байроғи Парламент, ҳукумат ва Президент қароргоҳи биноларидагина осилиши мумкинлигини айтиб, танбеҳ бера бошлайди. Бунга қарата Президентимиз хотиржамлик билан: «Энди мустақил бўлдик, халқимиз, оддий фуқароларимиз ўз байроғи ва қуролли кучларига ишониши, улар билан ғурурланиши керак. Байроқ ҳам, ёзув ҳам менинг топшириғим билан қўйилган. Байроғимиз мустақиллигимиз рамзи сифатида ҳилпираб тураверсин», деб айтади.

Шундан кейин ҳам Тошкентда қолган Кондратьев янги воқеликни тан олишни истамай, «ётиб қолгунча отиб қол» қабилида иш тута бошлайди. Ўзбекистонда қолиб хизматни давом эттириш истагини билдирган офицерларни сотқинликда айблаб, жамоатчиликда салбий фикр уйғотишга зўр бериб уринади. Шунда Президентимиз қатъият кўрсатиб, Ўзбекистон ўз Қуролли Кучларига эга эканлигини ва иттифоққа тегишли ҳарбий округнинг ҳудудимизда қолишига ўрин йўқлигини айтади. Шашти синган генерал республика ҳудудидаги ҳарбий техника ва қурол–яроғларни оммавий равишда олиб чиқиб кетиш чораларини излай бошлайди. Бунга жавобан Президент ҳарбий техника ва қурол–яроғларни Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетишни тақиқлаш тўғрисидаги Фармонни имзолайди. Шундан сўнг Туркистон ҳарбий округи таркибида бўлган қўшинлар бирма–бир Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ихтиёрига ўтказила бошланди. Бу қадам Президентимиздан нақадар катта ирода талаб этганлигини шунда ҳам кўришимиз мумкинки, Россия Президенти Б.Н.Ельцин фақат 1992 йилнинг май ойидагина Россия мудофаа вазирлигини жорий этади. Мудофаа вазири этиб П.Грачёвни тайин қилар экан, СССР Мудофаа вазирлигини бекор қилишни истамай, генерал Шапошниковни ўз вазифасида қолдиради. Шу ўринда истеъфодаги полковник Фаттоҳ Туроповнинг ҳикояси диққатга лойиқ. «1992 йилнинг 23 январ куни сира ёдимдан чиқмайди. Ўша пайтда мен Жамбул вилояти ҳарбий комиссари лавозимида ишлардим. Тошкентдан мудофаа вазири қўнғироқ қилиб, зудлик билан етиб келишимни айтди.

Вазирлик Мустақиллик майдонидаги Граждан мудофааси биносида жойлашган экан. Вазир мени очиқ чеҳра билан кутиб олди. Унинг нигоҳида қандайдир кўтаринки руҳ, ҳаяжон сезиларди.

–Гап бундай, Фаттоҳ,–деди у менга тик қараб,–катта ишлар бошланяпти...

У менга Президентдан олган топшириқлари ҳақида тўлқинланиб сўзлади. Бошқа республикаларда хизмат қилаётган ўзбек солдат ва офицерларини тезлик билан Ўзбекистонга тўплаш кераклигини айтди. Энг асосий вазифалардан яна бири Туркистон ҳарбий округи қисмларидаги мавжуд ҳарбий техника, қурол–яроғлар ташқарига чиқиб кетишига йўл қўймаслик эканлигини тушунтирди.

–Биз энди ўз армиямизга эга бўламиз,–деди у қандайдир ички ғурур билан,–чин маънодаги ўзбек армиясига!

Тўғриси, унинг ҳаяжони менга ҳам ўтди. Чунки ўша даврда ҳарбий бўлган ўзбек офицерлари яхши билишади, қанақа шароитда яшаб, ишлаганимизни. Совет Армиясида хизмат давомида биз кўп камситилишларни кўрганмиз.

Мана ўзимдан мисол. 1964–68 йилларда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ўқиганман. Иккита рота курсантлари сафида бор–йўғи олти нафар ўзбек бор эди. 80 кишидан атиги 6 киши! Уларнинг кейинги хизматлари ҳам ҳавас қиладиган даражада бўлмади. Барчаси подполковник унвонидан нари кўтарилмай, истеъфога чиқарилган. Мен билим юртини тугатгач, Германияда хизмат қилдим. Икки мингдан зиёд офицерлар сафида ўзбеклардан тўрт киши эдик.

1973 йили Москвада Фрунзе номидаги ҳарбий академияда ўқиганда ҳам, мен билан уч ўзбек офицери бор эди, холос. Улардан бири Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаб собиқ бошлиғи, генерал–полковник Тўлқин Қосимов эди.

Академияни битиргач, мени Ўрта Осиё ҳарбий округига хизматга йўллашди. Алоҳида разведка батальони, сўнг полк командири сифатида хизмат қилдим. Полким энг яхши полклар қаторида эди. Германияда ҳам батальонимни намуна қилиб кўрсатишарди. Лекин биз, ўзбек офицерлари ўсиши учун имконият туғилганда ҳам сунъий тўғаноқлар кўп бўларди. Бир мисол. 1983 йилда Генерал Панфилов номидаги дивизияга мени командирнинг биринчи муовини лавозимига кўтаришмоқчи бўлишди. Тавсиялар ёзилди. Лекин охир–оқибатда, турли важлар билан менинг ўрнимга подполковник Сергеевни тайинлашди. Ўшанда менга яқин бўлган офицерлардан бири, рус йигити «биласанми, сени нега ўтказишмади?» деб сўраганида мен сабабини сезган бўлсамда, «бошлиқлар билади, биз кичкина одаммиз», дедим. У эса «офицер сифатида билиминг, тажрибанг етарли. Фақат миллатинг ҳалақит берди», деган эди менга ачингандай бўлиб. Биз ўзбек офицерлари ҳам бошини баланд кўтариб юришини, тенг ҳуқуқли бўлишини жуда хоҳлаганмиз. Афсуски, бунга йўл қўйилмасди.

Вазир менга сизни Республика ҳарбий комиссари лавозимига тайинламоқчиман, деганида тўғриси, ҳаяжонланиб кетдим. Чунки бундай лавозимларга муносиб кўрилишимиз етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаганди. Комиссар сифатида чиқарган биринчи буйруғим вилоятлар ҳарбий комиссарларига жойлардаги ҳарбий техникани ташқарига чиқиб кетмаслик чораларини кўриш ҳақида бўлди. Айниқса, чегарамиздаги қисмлар устидан назоратни кучайтирдик. Натижада, қанчалаб танк, тўп, самолёт, вертолётларнинг республика ҳудудидан олиб кетиш ҳолларининг олди олинди.

Бугун бу гапларни айтишга осон, лекин ўша, мустақилликнинг дастлабки ойларида Президентимиз ҳушёрлик қилиб, олдиндан чора кўрмаганида Туркистон ҳарбий округи ихтиёридаги кўплаб техника ва қурол–яроғлар олиб чиқиб кетилган бўларди. Бу йўқотишлар қанчага тушишини ҳисоблаб кўринг. Бир танк ёки бир самолёт қанча туради?».

Тўпламда миллий ҳарбий кадрлар масаласи қай йўсинда ҳал этилганига доир қизиқарли фикрлар баён этилган. Ислом Каримов Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони сифатида қуйидаги бош масалага диққатни қаратди:

–Ишни шундай йўлга қўйиш зарурки, токи кадрларни тайёрлаш энг замонавий талабларга мос келсин, ҳарбий фаннинг энг сўнгги ютуқлари, иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги урушларнинг жанговар ҳаракатлари тажрибаси, хусусан, мен буни алоҳида таъкидламоқчиман, афғон урушидаги жанговар операцияларни ўтказиш тажрибаси ҳисобга олинсин.

Китобда Қуролли Кучлар тизимлари ва улардаги ислоҳотлар хусусида Олий Бош Қўмондоннинг билдирган фикрлари муфассал баён этилади. Ҳарбий сиёсатнинг асосий йўналишлари кўрсатилади. Ўқувчи улардан кўп ахборот олади.

Маълумки, Ислом Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган ҳарбий доктринада давлат хавфсизлигининг минтақа хавфсизлиги даражасига кўтарилгани, юртимиз дунёнинг етакчи давлатлари, биринчи навбатда, Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг бир–бирига мос келмайдиган манфаатлари юзага чиқадиган сарҳадларнинг узвий қисми эканлиги ҳисобга олинган.

Қуролли Кучларни ислоҳ қилишдаги орттирилган тажрибалар умумлаштирилган ҳолда Миллий Хавфсизлик Концепцияси ва Мудофаа Доктринасига мувофиқ 2000 йилдан бошланган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири лавозимига ҳарбий бўлмаган фуқаро шахс (академик Қодир Ғуломов)нинг тайинланиши етакчи хорижий давлатлар тажрибасига мос бўлиб, бундан кўзда тутилган мақсад – жамиятда ҳарбийлар билан фуқаролар ўртасидаги якдилликни янада мустаҳкамлаш, мамлакат ҳарбий қурилишига фуқаро назорати механизмини татбиқ этишдир. Бу мудофаа соҳасида қабул қилинган қарорлар ошкоралигини, Қуролли Кучларни ривожлантириш бўйича устивор йўналишлар белгиланганда холисликни, шунингдек, бозор ислоҳотлари шароитида мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишларига маблағ ажратиш масалаларини кўриб чиқишда армия, ижро ва қонунчилик ҳокимиятлари фаолиятини мувофиқлаштириш имконини беради.

Китобдан ўқувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Қуролли Кучларни ислоҳ қилишнинг қандай долзарб вазифаларни белгилаб берганидан воқиф бўлади. Улар ҳарбий хизмат нуфузини, Ватан ҳимоячиси мавқеини юксалтириш, армияни илғор давлатлар тажрибаси бўйича контракт асосида тузиш, муддатли ҳарбий хизматни 18 ойдан 12 ойгача қисқартириш, ҳарбий хизматни ўтаганлар резервини тайёрлаш, чақирувнинг ҳеч қандай қонунбузарликларга йўл қўймайдиган тизимини ташкил этишдан иборат.

Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ ўнинчи сессиясида қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунда Президентимиз айтган барча фикрлар ўз ифодасини топди.

Шу тариқа кам сонли, юксак маҳоратли Қуролли Кучларни ташкил этиш, улар сонини босқичма–босқич қисқартириш имконини берадиган ҳарбий ислоҳотларнинг жуда масъулиятли ва мураккаб навбатдаги босқичи бошланди.

Бу режали тарзда қўшинларни контракт асосида тўлдириш, резервчилар тайёрлашнинг янги тизимини ташкил этиш, тежалган молиявий ва моддий воситаларни, қўшинлар тайёргарлиги сифатини яхшилаш, техник жиҳозлаш, ҳарбий хизматчилар турмуш даражасини юксалтиришга имконият яратади.

**Ислоҳотларнинг ҳар янги босқичига ўтган сайин Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ёшлар учун қизиқарли ва нуфузли бўлиб бормоқда. Бугун муддатли хизматга борадиган чақирилувчи катта синов–танловдан муваффақиятли ўтсагина аскар бўла олади.**

**Хулоса қилиб айтганда, «Армия – давлат таянчи, тинчлик кафолати» тўплами Қуролли Кучларимиз тарихи, бугуни ва келажаги хусусида ўқувчида яхлит манзара ҳосил қилади.**

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.**

## ҲАЁТ ЧАШМАЛАРИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Мен бу ерда ўзлари Паркент туманида туғилиб ўсиб, бугунги кунда республикамизда етук олим бўлиб етишган, «Паркент тумани» номли илмий–оммабоп рисола ёзиб, уни нашрга тайёрлаётган ҳамюртларим С.Ҳусомиддинов ва М.Шерматовларнинг туман тарихини ўрганишдаги хизматларини алоҳида таъкидлаган бўлардим.

1926 йили 29 сентябр куни ташкил топган, умумий ер майдони 108 минг гектарни ташкил этувчи, 2005 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра аҳолиси 118 мингни ташкил этадиган Паркент туманининг тарихи ўзи алоҳида мавзу. 711 йилдан бошланган араблар истилоси, кейинчалик Қорахонийлар давлати таркибига кирган, 1141 йилда қорахитойлар зулмининг жабрини тортган, XIII асрнинг бошида қисқа муддат Муҳаммад Хоразмшоҳ давлати таркибида бўлган, 1219 йилда Чингизхоннинг юриши натижасида вилоятнинг мўғуллар ҳокимлиги остига ўтиши, айниқса, Паркент ва Номданак шаҳарларининг вайрон қилиниши, харобаларга айланиши, ирригацион иншоотларнинг бузилиб, экинзорларнинг қаровсиз қолиши, кўплаб конларнинг беркилиши, саноат, савдо–сотиқнинг инқирозга учраши тарихнинг ҳали ўқилмаган саҳифалари олдида барчамизнинг бурчдорлигимизга улуғ ишорадир.



*107 ёшли Нисоби аяга*

*Юзларида ажинлар эмас,*
*Уч асрлик кечмиш хатлари.*
*Балки, улар қўҳна дунёга*
*Айтилмаган кўнгил дардлари.*

*Қанча кунлар ташвишда ўтди,*
*Қанча кунлар шодон, бахтиёр.*
*Шу кунларга етдингиз, шукр,*
*Бу кунларга етмаганлар бор...*

Болалигимни эслайман. Заркент қишлоғида «Заркент ота» зиёратгоҳи бўлиб, у ер кўпинча қаровсиз ҳолда ётарди. Ичкарига кириш, булоқдан сув ичиш учун ҳам кўп қийинчиликларга дуч келинарди. Уламо Сайид Жаъфар Ғозий ибн Ҳусайн қабри жойлашган ушбу маскан, 1892 йили уста Абдулмажид Бухорои Шарифий томонидан ёғоч ўймакорлиги асосида қурилган шийпон ҳам таъмирга муҳтож бўлиб ётарди, зиёратчиларнинг деярли кўпчилиги бу улуғ зотлар ҳақида ҳеч нарса билмас экан. Республикамиз мустақил бўлганидан сўнг Президентимиз Ислом Каримовнинг тарихий обидаларга, муқаддас қадамжоларга бўлган муносабати ушбу борадаги аҳволнинг тубдан яхшиланишига сабаб бўлди. Сўқир булоқларнинг кўзлари очилди. 2002 йилда туман ҳокимлигининг, Ўзбекистон Қаҳрамони, марҳум Тожибой ота Ризаевнинг саъй–ҳаракатлари билан зиёратгоҳ қайта таъмирланди. Заркент халқининг жонбахш чашмаси, Паркент туманидаги дарёларнинг асосий сув манбаларидан бўлган ўн икки булоқнинг бири – Заркент булоғидан баҳраманд бўлувчиларнинг сони бир неча баробарга ошди. Дарвоқе, Паркентнинг энг йирик дарёлари саналмиш – Паркентсой, Бошқизилсой, Оқсоқотасойлар ўзларининг дастлабки сув томчиларини 1000дан зиёд булоқлардан йиғади. Паркент тумани ҳудудида жойлашган, яқингача мен ҳам номларини унча тўлиқ билмайдиган жонбахш булоқларим – Ҳисорақдаги Хорлик, Шавкат булоқлари, Заркентдаги Авлиёота, Волгин булоқлари, Тоссар, Санганак булоқлари, Қудуқ, Мозори Сайид, Обишукур, Заркент, Сумча булоқлари – булар асрлар мобайнида тоғлар кўксидан сизган обираҳмат бўлиб, халқимизнинг ташналигини қондириб, она тупроғимизни боғу бўстонга айлантириб келаётган ҳаёт чашмаларидир. Бу чашмалар айни пайтда туман наботот оламидаги ғоят ноёб 200дан зиёд доривор ўсимликлар, тоғларнинг кўрки бўлган Зарафшон қора арчаси, ярим шарсимон саур арчалар, Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган Грей ва Кауфман лолалари, Псков пиёзи, Кауфман нормушки каби ўсимликлар, қузғун, пакана бургут, қора калхат, оқ тирноқли айиқларнинг ҳам нажот чашмаларидир.

Йил мобайнида қуёш туман ерларига 3000 минг соатдан кўпроқ вақт ўз нурларини сочиб туради. Ҳар йили республикамизда ўтказиладиган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақаларининг финал ўйинларига машъала ЎзФАга қарашли дунёдаги иккитадан бири бўлган «Қуёш» объекти нурларидан йиғиб ёқилади.

Мустақилликнинг ўтган ўн тўрт йили Паркент тумани аҳолиси учун том маънодаги юксалиш, ўзини англаш йиллари бўлди. Туманда хўжалик юритувчи субъектлар сони 1366тага, нодавлат мулк шакллари 1267тага, кичик корхоналар 340тага, қўшма корхоналар тўрттага етди. Ўтган йиллар мобайнида туманнинг ижтимоий инфраструктураси ривожланди. Жумладан, 45 та умумтаълим, 17та мактабгача таълим муассасалари, 4та касалхона, 4та поликлиника, 9та ФАП, 7та врачлик пунктлари ишга тушди. Туманда 9та фуқаролар йиғини, 31 та маҳалла қўмиталари фаолият кўрсатмоқда. 11та ширкат хўжалиги, 3 та жамоа хўжалиги, 566 та фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш борасида бир қанча ютуқларни қўлга киритиб, жумладан, Паркент тумани тарихида биринчи марта «Бойқозон» ширкат хўжалиги ғалладан 74 центнер, «Гулбоғ» ширкат хўжалиги 72 центнердан дон олишга эришиб, вилоятда биринчи ўринни эгалладилар ва ҳар бир ширкат хўжалиги вилоят ҳокимининг «Тико» русумли автомашинасига сазовор бўлдилар. Туманни республикага ўзининг узумлари–ю, ғалласи билан машҳур қилган «Заркент» ширкат хўжалиги эришган ютуқлар муносиб тақдирланди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов мазкур хўжалик раҳбари Тожибой ота Ризаевнинг фидокорона меҳнатларини инобатга олиб, 2001 йили уни «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирлади. Етти ёшдан етмиш ёшгача барчага баробар бўлган, содда, самимий, камсуқум, меҳнаткаш, туманнинг фахри бўлган Тожибой ота Ризаев ўз ортидан бу дунёнинг жаннатини қолдириб кетди. Барчамизни ўз фарзандидек, жигаридек ардоқловчи ушбу муҳтарам зотнинг жойлари жаннатда бўлсин, илоҳим.

Туман аҳолисининг бу йилги муваффақиятлари ҳам барчамиз учун қувончли. Ғалла бўйича белгиланган давлат режаси 16,880 тонна қилиб белгиланган бўлса, амалда эса белгиланганидан ортиқ бажарилди. Сабзавот ва полиз маҳсулотлари, боғдорчилик бўйича ҳам белгиланган режалар бўйича маҳсулот етарли.

Тумандаги «Бер–АД» агрофирмаси ҳозиргача 361,907 млн. сўмлик маҳсулотни хорижга сотди.

Паркент туманига киравершида, пойтахтдан боравершида ўнг томонда сўлим «Оналар ва болалар боғи» сизни қарши олади. Мазкур боққа қарийб 3 минг туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилган. Шарқона усулда қурилган дарвоза тунда ёнаётган митти лампочкалар оғушида сирли ва жозибали кўринади. Ободонлашган магистрал йўлларнинг икки четига экилган дарахт кўчатлари бу йил янада бўй чўзди, гулзорларда эса анвойи гуллар очилиб ётибди.

Болаликдан ёдимда қолган хотиралардан яна бири «Қўшчинор» боғида кураш бўларди. Кураш ишқибозлари майса устига ўтириб олиб, кечгача полвонларнинг курашга тушишини кузатарди. Белбоғли кураш бўйича Ўрта Осиё ва республика чемпионлари Хўжаахмад полвон, Гултўра полвон, Кўчқор полвон, Орифбой полвон (ёғоч полвон), Дўсмат полвон, Рисқивой полвон, Дилмурод полвонларнинг ҳалол, мардона кураши неча минглаб мухлисларининг қонида кураш завқини уйғотар, улар майдонга тушганларида «Ё, пирим» деб ҳарифининг белбоғидан ушлаб, курагини ерга тегизганида Паркентсойнинг баҳор пайти сел келгандаги гулдирашига ўхшаган товушлар атрофни тутиб кетарди. Бироқ у пайтларда полвонларнинг номлари ўзининг қишлоғидан узоққа боролмасди. Ўзбек кураши гўё қантарилган туёғига гулмихлар қоқилган Бойчибор эдики, Истиқлолгина бу миллий, мард курашнинг дунё бўйлаб тарқалишига имкон берди.

Яқинда Паркент туманида 3 минг ўринли лойиҳа қуввати 175 миллион сўмга эга бўлган курашхона қурилди ва ишга тушди. 9 майда кураш ишқибозлари тонгдан оқшомгача ўз полвонларини олқишладилар. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши ташаббуси билан ташкил қилинган «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» тадбири, хайрия концертига йиғилган томошабинлар шинам ўриндиқларда ўтириб хордиқ чиқаришди. Халқ ўзи севган санъаткорлар билан қўшилиб куйлади, рақсга тушди. Паркентнинг жамбилу райҳонлари, боғ гулларидан боласининг қўлига гулдаста тутқазиб қўйган келинчак уни Дилдора Ниёзовага тақдим қилди. Хушовоз ҳонанда Султонпошша Ўдаеванинг қўшиқлари, кулги устаси Мирза Холметовнинг чиқишлари маънавият булоқлари абадул абад қайнаб туриши зарурлигини, унга халқимиз ҳамиша ташна эканлигининг исботи бўлди. ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳаммад, «Муштум» журнали бош муҳаррири Ашурали Жўраев, «Ўзбекнаво»нинг Тошкент вилояти бўлими директори, партия аъзоси Беҳзод Султоновлар ўз сўзларида бу борада қилинадиган ишлар ҳам кўплигини, бундай тадбирлар вилоятда партия қилаётган ишларнинг дебочаси эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Паркент туманида янги туғруқхона, 39–мактабни янги қуриш ва бошқа бир қатор ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд. Бу масалалар ечимида Вақт ҳакам. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, отаётган тонгларимиз осуда ва бехавотир бўлса, биз ўзимиз кўзлаган барча орзуимизга эришамиз. Мақолага нуқта қўяётганимда мен учун ниҳоятда табаррук бўлган, 107 ёшга тўлган, Чанги қишлоғида умргузаронлик қилувчи онахон – Нисоби ая Ҳотамованинг хати ва суратини олиб келишди. «Етти қиз ва бир ўғилни катта қилдим. Ҳозирги кунда 5 та қизим ҳаёт, ўғлим ва икки қизим вафот этган. Мен жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақиллик кунларини кўрганимдан жуда хурсандман. Президентимизнинг қарияларга ва ёши улуғларга кўрсатаётган ғамхўрлиги йилдан–йилга ўзгача тус олиб, яхши бўляпти. Самарқанд, Ангрен шаҳарларида қариндошларим, хўжайинимнинг жиянлари бор, кўргим келади, шуларни кўрсам, ёшимга ёш қўшилса... Ҳаммаларингизнинг дуои жонларингизни қилиб қоламан.»

Мақоланинг хотимаси учун бундан гўзалроқ сўз тополмадим...

# ГЕН ИНЖЕНЕРЛИГИ ИНСОНИЯТГА НИМА БЕРАДИ?

- XXI асрни «ген асри» дейилса муболаға бўлмайди.
- Инсон соғлиги ва тозалигини сақлашда генофонднинг аҳамияти
- Ҳар бир миллатнинг ташқи муҳитга мослашуви, ҳаётчанлиги ундаги генетик хилма-хилликка боғлиқ

Замонамизнинг тезкор ва шиддатли ривожланиши «илмий-техникавий» тараққиётга асосланган. Асрлар давомидаги илм-фандаги ривожланишлар жамият тараққиёти билан мутаносиб-гармония ҳолда изма-из, олдинма-кейин келмоқда.

Инсоният учинчи минг йилликка ҳаёт ҳақидаги улкан назарий ва бениҳоя катта потенциалга эга бўлган амалий билим билан кириб келди. Ҳозирги замон одами атроф-муҳитни қамраб олган жонзодлар, бактерия, ўсимлик, ҳайвон ва ҳатто одамни ҳам бир томонлама мақсадга мувофиқ ирсиятини ўзгартириши мумкин. Ҳозирги фан ютуғи асосида (биоинженерия), медицинада (гентерапия), қишлоқ хўжалигида (трансген ёки геноми ўзгартирилган ўсимлик, ҳайвон) имконияти кенг технологик прогресс бўлган ген инженерлиги кириб келди.

Геномика фанининг ривожланиши микробиология фанининг катта ютуқларини қўлга киритишга сабабчи бўлди. 20дан ортиқ биологик турларнинг геноми аниқланди. Буларга хавфли ва юқумли касаллик тарқатувчи (сил, тепкили терлама, ошқозон яраси ва ҳоказо) микроорганизмлар киради. Патогенли бактерияларнинг геном структурасини аниқлаш уларга қарши вакциналар тайёрлашда катта аҳамиятта эга.

**«Криминалистика» Фани бирор шахснинг айбдор ёки айбдор эмаслигини аниқловчи геномли усул ёки <u>дактилоскопия</u> билан бойиди. Мазкур усул учун томчи қон, сочнинг бир толаси, тирноқнинг кичкина бўлаги, терлаганда ажралган суюқликнинг қолдиғи, сперма, сўлак, қазғоқ бўлса бас, булар қайси инсонга тегишли эканлигини кўрсатиш мумкин.** Булардан ташқари, одамлар ўртасидаги қариндошлик, фарзанднинг ота ёки онасига алоқадорлиги ёки аксинча алоқаси йўқлигини геном усули билан юқори аниқликда белгилаш мумкин.

Геномика фан ҳозирги кунда тарих, этнография, лингвистика ва бошқа гуманитар-ижтимоий фанларга кириб бормоқда. Тарих фанидаги баҳсли муаммолар, жумладан, айрим қабила ва элатларнинг келиб чиқиш манзиллари, уларнинг ҳозирги яшаб турган миллатларга алоқадорлигини аниқлашда геном усуллари ижобий роль ўйнамоқда. Ҳар бир миллат, элатларнинг геномида уларга тегишли муайян генлар аниқланиб, уларнинг миқдори ва функциясига қараб муайян илмий ахборотта эга бўлиш мумкин.

1950-йилларнинг охирида ҳаётчан, касалга чидамли, боли кам бўлган Африка асаларилари билан Жанубий Америка нимжон, касалга чидамсиз, лекин маҳсулоти кўпроқ турларини ўзаро чатиштириш натижасида «одамхўр» асалари зоти дунёга келди. 1960-йилларда тасодифан илмга алоқаси йўқ одам бу ўта агрессив, ҳосили жуда кам асаларига «раҳм» қилиб, ташқарига чиқариб юборган. Улар интенсив равишда кўпайиб, тезда Жанубий Америкадаги ерли асаларларни табиатдан деярли сиқиб чиқардилар. Ҳозир эса улар Шимолий Америка, Канадага етиб келдилар. Олимлар бу тасодифий асаларининг зотларидан қандай қилиб қутулиш йўлларини ген инженерлиги усули асосида изламоқдалар.

Халқаро мусобақаларда допинг билан боғлиқ бўлган жанжаллар, спорт майдонларида допинг туфайли ҳалок бўлган спортчиларнинг гувоҳи бўлиб турибсиз. **Спортчилар ҳозирги кунда ген инженерлиги орқали тайёрланган уч хил препаратлардан фойдаланишлари мумкин;** Биринчиси; қонда гемоглабин миқдорини кўпайтириш ҳисобига; бу эса ўз навбатида мушакларни кислород билан таъминлашни тезлаштириб, спортчининг чидамлилик қобилиятини оширади. Иккинчи препарат муайян қон томирларини кенгайтирадиган генга таъсир қилади. Бу препарат аслида атеросклероз касаллигини даволашда ишлатилишига қарамасдан спортчилар буни мушакларда қон айланишини тезлаштириш учун ишлатадилар. Учинчи препарат мушакларнинг тонусини қувватини оширадиган генга таъсир қилади. Бу препарат спортчилар истеъмол қиладиган, ҳозирги кунда тақиқланган гормон допинг-стероидларнинг ўрнини олиши мумкин. Мазкур генни «таъмирловчи ген» деб аталади, сабаби бу ген мушак тўқималардаги регенерациясида (янгиланишида) иштирок этади. Кўпчилик спортчиларда ҳаддан ташқари машқларни кўплигидан ва бошқа сабаблар орқали мушаклар тез жароҳатланади. Одатда, спортчи гормон истеъмол қилса, у вақти билан ташқарига чиқарилади. Лекин генларнинг бу фаолиятини бирдан тўхтатиб бўлмайди.

### Ҳаёт хавфсизлиги ва фан

Шубҳа йўқки, инсоннинг генетик режаси ҳали охиригача аниқ бўлмаган материя ҳаракатининг биологик ва социал шаклидан иборат. Одам феномени жуда мураккаб бўлган жараёнда унинг ген инженерия услуби орқали ҳатти-ҳаракатини, ирсиятини, руҳий ҳолатини ва жинсини бошқариш юритмасини олимлар ишлаб чиқсалар, бу инқилобий ютуқ бўлади, албатта. Инсон зоти тозалиги ва соғлигини сақлаш ва уни социал ҳимоя қилишда унинг генофонди катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳар бир миллат аҳоли генофондини сақлаш ва уни ҳимоя қилиш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки генофонд ўзида чекланмаган миқдорда сақловчи ва авлоддан авлодга узатувчи генетик ахборотлар, жумладан касалликка чидамлилик, гавдасининг тузилиш пропорцияси, антропологик шакли, ўртача умри, кўпайиши ва ривожланишини белгиловчи генларнинг мажмуасидир.

Ҳар бир миллатнинг ташқи муҳитта мослашуви, ҳаётчанлиги, ундаги генетик хилма-хиллик даражасига боғлиқ. Ўзбек халқидан чиққан дунёга машҳур буюк алломалар-шоир, ёзувчи, олимлар ва истеъдодли инсонларнинг дунёга келиши миллатдаги баҳоси йўқ генетик хилма-хилликдадир.

Ўзбек халқининг генофондига форс, араб, мўғул ва қисман рус миллатларнинг аралашганлиги ҳеч сир эмас. Ўзбек миллатларининг аксарият қисми монголоид ирқига мансуб деб билар эдик. Охирги генетик текширишлар миллатимизнинг 90 фоизини европоид ирқига тегишли эканлигини кўрсатди.

Маълумки, <u>XX</u> аср атом асри бўлиб, физика ва кимё фанларида инсоният учун унинг яшаш тарзини яхшилашда ажойиб кашфиётлар қилиш билан биргаликда оммавий қирғин қуроллар, жумладан атом бомбаси ҳам яратилди. Худди шунга ўхшаш биология фанида ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, инқилобий ўзгаришлар қилинди, **<u>XXI</u> асрни «ген асри» десак муболаға бўлмайди.** XX асрнинг иккинчи ярмида биология фанида молекуляр биология, молекуляр генетика, ген инженерлиги ва биотехнология йўналишлари шаклланиб, мустаҳкам ўрнига эга бўлди. Биология фанидаги шундай улкан ютуқларни антигуманли мақсад учун фойдаланиш эҳтимолидан холи эмас. Биология ҳар вақт «ҳаёт фани» бўлиб келган, лекин у бизнинг кунимизда оммавий қирғин қуролини тайёрловчи фабрикага айланиши мумкин.

Охирги йилларда ҳар хил турдаги терроризмнинг кўпайиши айрим мамлакатларнинг суверенлиги учун катта хавфга айланмоқда. Ҳозирги кунда назорат қилиш мушкул бўлиб, инсоният учун хавфли бўлган хавф-хатар турларига биоагрессия, биотерроризм, биокамикадзе ва экологик урушлар киради. Генетика фанининг ютуғи асосида биотеррористик қурол сирасида фақат ўта хавфли, инфекцион микроорганизмлар бўлмай, балки организмни бедаво касал билан касаллантирувчи турли йўллар билан ўзгартирилган генларнинг мажмуаси ҳам киради. Демак, инсон геноми ҳақидаги бугунги кундаги илмий маълумотлар инсониятга амалий ёрдам бериши билан бир қаторда террористларга ўта хавфли бўлган қуроллар яратиш учун ҳам йўл очиб берди. Инсон терисининг ранги, жинси, ақлли фаолияти, физиологик ҳолати ва умуман модда алмашувини бошқариш генлари ажратиб ўрганилмоқда. Лекин айнан шу генлар фаолиятини бузувчи генетик инженерия усуллари йўқ эмаслигини тадқиқотчилар биладилар. Шу усулда тайёрланган генетик қуроллар муайян нишонли бўлиши мумкин.

Кенг кўламдаги ҳозирги кундаги фан ютуқлари инсониятнинг соғлиги, яшаш тарзи, озиқ-овқатни кўпайтириш ва сифатини яхшилашга хизмат қилиш билан бир қаторда бир гуруҳ террористлар учун оммавий қирғин қуролга айланиши мумкин.

Генетик ўзгартирилган биогенлар инсон танасига кирганда тиббиёт ходимлари учун номаълум бўлган касаллик белгилари пайдо бўлиши медицина учун мушкул бўлишини олимлар таҳлил қилмоқдалар.

Биолог олимлар ҳозирги кунда генетик эмлаш йўлида самарали илмий изланишлар олиб бормоқдалар. **«ДНК-вакцин» тизими яхши натижалар бермоқда. «ДНК-вакцин» инсонга эмланганда ташқаридан киритилган бегона генга қарши организмда кучли иммун омили пайдо бўлишини олимлар исботламоқдалар. Бу усул биотерроризмга қарши энг қулай усул деб ҳисобланмоқда.** Булардан ташқари, биотерроризмга қарши курашда компьютер технологиясининг биология, медицинага кириб келиши яхши натижалар бермоқда. Жумладан, патогенли микроорганизмнинг ДНК-си («наногенли технология») бўйича борлигини саноқли дақиқаларда аниқлаш мумкин. Бундай усулларни портатив компьютерлар орқали кенг халқ оммаси томонидан амалга оширса бўлади. Мазкур усул ДНК анализи асосида бўлиб, биологик қуролларни тезда аниқлашга қаратилган.

Ҳозирги кунда инсониятнинг тинч яшаш фаолияти борган сари кўпроқ фан ва технологияга боғлиқ бўлиб бормоқда. Сир эмаски, жамият билан фан ва технология тараққиёти ҳар доим мутаносиб уйғунлик ҳолатида бўлавермайди. Айрим ижтимоий-гуманитар муаммоларни аксарият ҳолларда биология фанининг генетика соҳаси ҳам келтириб чиқармоқда.

Маълумки, Олий Мажлиснинг 9-сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилингандан сўнг давлат таълим стандартлари қайта кўтарилиб, амалиётга тадбиқ этилди. **1999-2000 ўқув йилидан бошлаб мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари дастурларига «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» предмети киритилди. Бироқ...**

Ўқувчи ва талабалар учун бўлажак мутахассисликлари билан боғлиқ бўлган фанлар билан бир қаторда ген инженерлиги хавф-хатарлари тўғрисида ҳам ундан муҳофазаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш йўллари бўйича маълумот берилиши керак. Бу эса «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг амалий натижаси ҳисобланади.

**Муҳсин ВАЛИХОНОВ,**
**биология фанлари доктори, профессор.**
**Камола Қаҳҳорова,**
**Ўзбекистон Миллий университети талабаси.**

# ПОРА ОЛАЁТГАН... ДОМЛА



Олий ўқув юртида устоз, ўқитувчиларга ҳурмат билан «домла» дея мурожаат қилинади. Барча ҳурмат-эҳтиром шу биргина сўзда мужассам. Чунки, ўқитувчи инсон ҳар қанча ҳурмату эъзозга лойиқ ўқитувчи-домла халқнинг етук зиёли табақаси ҳисобланади, миллатнинг фахри ва ибратли донишмандлари саналади. Таассуфлар бўлсинким, биз ишонган ана шу донишманд-домла орқа-олдига қарамай, пора олаётган бўлса-чи?!

Масалан, «фалончи уч минг долларга қизини ўқишга киритаяпти, фалончи ўғлини ўн минг «кўки»га ҳуқуқшуносликка гаплашибди, қаранг, қўшнимиз миллион сўмга боласини магистратурага жойлабди.» Ана, сизга, кўчадаги ҳақиқат!

2005 йилнинг ўтган даврида олий ва ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртларининг 102 нафар ходими томонидан пора олиш билан боғлиқ 16та, талон-торожлик билан боғлиқ 82та жиноят рўйхатга олинди! Мисол келтирайликми? Марҳамат!

Тошкент Давлат Техника университети бакалавриатига 2003 йил тест синовлари натижалари қалбакилаштирилиб, икки нафар абитуриент грант асосида, 91 нафари эса шартнома асосида ўқиш учун қабул қилинган. Университет кафедра мудири М.Сагатов, кафедра доценти А.Мирзаев фуқаро И.Адҳамовдан 1500 АҚШ доллари, шу университет кафедра мудири И.Умарова, декан ўринбосари О.Абдиев, доцент М.Жабборов, қабул комиссияси масъул котиби Ф.Носиров абитуриент Т.Кундабековдан 900 АҚШ долларини ўқишга киритиб қўйиш учун пора тариқасида олганлиги аниқланди. Ушбу илм даргоҳида ноқонуний йўллар билан ўқишга қабул қилинган 70 нафар талаба ўқишдан ҳайдалган, 7 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилган.

Ҳа, айрим домлаларнинг жиғилдони «кўки»га бошқоронғи бўлибди. Тошкент Давлат Педагогика университети декани Р.Йўлдошев фуқаро Ҳ.Мираҳмедовдан жияни М.Тўрахоновни ўқишга киритиб қўйиш учун 1200 АҚШ долларини пора тариқасида олаётган вақтда қўлга олинган. Бухоро Давлат университетининг қабул комиссияси аъзоси Муродов университет мудираси Аъзамова билан фуқаро Аҳадовдан ўқишга киритиб қўйиш учун 1500 АҚШ долларини пора сифатида олган. Уларнинг ҳар иккови узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси проректори Толиповнинг найранги ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди. «Жасур-Дониёр» масъулияти чекланган жамиятга 10 миллион 300 минг сўм ҳақини тўлаб бергани учун жамият директоридан 400 АҚШ доллари миқдорида пора олаётганда қопқонга илинди. Тошкент Педиатрия институти бош ҳисобчиси Қодиров тўлов ведомостларига сохта ёзувлар киритиб, ишчи хизматчиларнинг 16,7 миллион сўмлик иш ҳақларини ўзлаштириб юборган. Ҳамкасбларининг ҳамёнига ҳамла қилишга бош ҳисобчининг виждони қандай чидади экан?

### Чигиртка бир сакрайди икки сакрайди...

Қурилиш қинғирликнинг кони, деб бежиз айтишмайди. Айниқса, қилинмаган ишларни қилинди деб қўшиб ёзишларни айтмайсизми! Тошкент Фармацевтика институтида 11,8 миллион, Иккинчи Тошкент тиббиёт институтида 3,5 миллион сўмлик бюджет маблағлари худди шу йўл билан талон-тарож қилинган.

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти кафедра мудири Абдураҳмонов битта имтиҳон баҳосини 40 минг сўмга баҳолаган. Таъмагир домла фуқаро Ҳамроевдан олган 40 минг сўм пораси учун юзи шувут бўлди. Обрўсини йўқотди.

Пора олиш борасида коллеж раҳбарлари ҳам улоқни бой берадиганга ўхшамайди. Балиқчи туманидаги Чинобод қурилиш коллежи директори Садирдинов 250 минг сўм, Асака тиббиёт коллежи ўқитувчиси Исмоилов 200 минг сўм пора олаётганида ушланган.

Элда «балиқ-бошидан...», деган нақл бор. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази раҳбари Жуманазар Ҳусанов мамлакатимиз манфаатларига хилоф равишда шартнома тузиш эвазига 25 минг АҚШ долларини пора тариқасида олган. Наманган муҳандислик педагогика институти декани Маҳмудов ҳам бир миллион сўм пора олаётганида қўлга тушди.

Айрим ўқув юртларининг мансабдорлари томонидан шартнома пулларининг талон-тарож қилинаётгани ҳам ғоятда аянчли. Масалан, Қорақалпоғистон Давлат университети томонидан талабалардан 273,9 миллион сўм шартнома пуллари ундириб олинмаган. Шундай ташвишли бир ҳолатда университет ўқитувчиси Е.Оразимбетов ва иқтисодчи Ю.Юсуповалар 3 миллион 700 минг сўмлик контракт пулларини ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишган.

Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар турли хил суиистеъмолчиликлар оқибатида талон-тарож қилинаётир. Маблағлар ноқонуний сарфланаётгани сабабли давлат бюджетига жуда кўп миқдорда зарар етказилаётир. Тошкент Давлат Аграр университетида капитал таъмирлаш ишлари ҳажмига қўшиб ёзиш, ходимларга хизмат сафари ва бошқа ишлар учун ноқонуний тўловлар амалга оширилиши орқали 32 миллион 200 минг сўмлик бюджет маблағлари талон-тарож қилинган. Қарши Давлат университети проректори Ш.Очилов ва бош ҳисобчиси А.Шодиев мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, маҳсулотларни ҳақиқий баҳосидан қиммат нархларда олиб, 6 миллион 900 минг сўм маблағни ўмаришган. Университетда қурилиш материалларининг қиммат нархларда сотиб олиниши, бажарилмаган ишларни ҳам бажарилди, деб қўшиб ёзиш орқали жами 36 миллион 200 минг сўм бюджет маблағи ўмарилган.

Ўрта махсус касб-ҳунар бошқармаларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини суиистеъмол қилишиб, бир қатор коллежларда бажарилган қурилиш ишлари ҳажмига қўшиб ёзиш орқали 482 миллион 500 минг, келтирилмаган жиҳозларни келтирилди, деб сохта далолатномаларни расмийлаштириш орқали 145 миллион 600 минг, товар-моддий бойликларни ўзлаштириш орқали 57 миллион 800 минг, жами 824 миллион 200 минг сўмлик бюджет маблағларини талон-тарож қилган. Нафси кўйига тушиб, виждонига чап берган олғирлар қинғир ишнинг қийиғи барибир чиқажагини унутишган чоғи. Қаранг, Наманган шаҳридаги 1-сонли касб-ҳунар коллежида 91 миллион 300 минг, 18-сонли касб-ҳунар коллежида эса 61 миллион 200 минг сўмлик бюджетдан ажратилган маблағларни талон-тарож қилиб юборишган.

Ўтказилган текширишлар чоғида аниқландики, айрим ўқув юртларида талабаларни жиноий йўллар билан ўқишга қабул қилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Тошкент Давлат Аграр университетида 2004-2005 ўқув йилида абитуриентларни шартнома тўлов асосидаги ўқишга қабул қилиш квоталарига риоя этилмасдан тест синовларидан етарли балл тўплай олмаган 45 нафар абитуриент ноқонуний равишда бошқа абитуриентларга тегишли бўлган тест марказдаги рақамлари ва баллари ҳисобидан талабалар сафига қабул қилинган. Худди шундай жиноий йўллар билан Термиз Давлат университетига 46 нафар, Қарши Давлат университетига 61 нафар абитуриент талабаликка қабул қилинган.

Прокуратура органлари томонидан олий ва ўрта махсус таълими тизимидаги ўқув юртлари фаолиятидаги қонун бузилишларни бартараф этиш тўғрисида 381 та тақдимнома, ноқонуний ҳужжатларга нисбатан 73та протест киритилди. Жиддий қонун бузилишлари ҳолатлари юзасидан 162 та жиноий иш қўзғатилди. Етказилган 956 миллион 400 минг сўмлик зарарнинг 787 миллион 500 минг сўмдан ортиғи айбдорлар ҳисобидан ундирилди.

Шу ўринда масаллар «оқими»ни бас қилсак-да, жамиятда, халқ ва миллат тақдирида ўқитувчи, устоз, домланинг ўрни, аҳамияти, нуфузи хусусида мулоҳазага берилсак. Ёки, шарт эмасми? Ҳожати йўқми?..

Аччиқроқ гап айтиб юборсанг, тилинг айтмаса — дилинг ачишади. Пора олаётган... домла шуларни мулоҳаза қилмайдими? Ким бу куйга солди, нима мажбур қилди, дея саволни кўндаланг қўйгинг келади, киши. Устозлик, ўқитувчилик, домлалик шаъни эссиз...

**P.S. Сўнгги хабар: 2005 йил 25 июль. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти проректори В.Ким фуқаро Б.Тўхтаевдан ўқишга киритиб қўйиш учун 4000 АҚШ доллари олаётган пайти қўлга тушди.**

**Баҳриддин АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Умумий назорат бошқармаси катта прокурори,**
**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**«Миллий тикланиш» махсус мухбири.**

# ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН УЧУН

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Жамиятни демократлаштиришдаги давлат қурилишини ислоҳ қилиш ижроия ҳокимият ва бошқарув тузилмаларни ислоҳ этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу борада ҳам ҳокимият ваколатларининг бир қисмини маҳаллий ҳокимиятларга олиб бериш, ташаббуснинг пастдан юқорига чиқиш тизимини шакллантириш, қонунлар ва қонун ости ҳужжатларининг бажарилишини таъмин этишнинг мантиқийлигига эришиш ўта долзарбдир.

Қабул қилинаётган ва ижро этилаётган ҳуқуқий норматив актлар тўғрисида аҳолининг доимий хабардорлигини ошириш, давлат идоралари фаолияти устидан жамоятчилик назоратини кучайтириш ва уларнинг ишини шаффофлаштириш ҳам ҳуқуқ устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Айни пайтда идора ва ташкилотларда чиқарилган қарор, буйруқ ва йўриқномаларни ўзгартириш, бекор қилиш бўйича суд идораларига мурожаат механизмининг шикоят, апелляция имкониятини кенгайтириш, унинг кўриб чиқилиши ва қарор ижросининг сўзсиз бажарилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қонунчиликдаги номутаносибликлар, қарама-қаршиликлар, қайтариқларни бартараф этади.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий шартларидан бири — ҳокимият ваколатларини тенг тақсимлаш ва уларнинг мувозанатини сақлашдир. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимининг мустақиллигини таъминлаш ва уларнинг ҳеч бири ҳокимият ваколатларини ўзлаштириб олишига ёки суиистеъмол қилишига йўл қўймаслик зарур. Ҳозирги кунда суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг янги концепцияси амалда жорий этилмоқда. Суд ҳокимиятининг уч мустақил бўғини — Конституцион суд, Олий суд, Олий хўжалик судлари ҳаётида ҳам қонун устуворлигини таъминлаш борасида самарали фаолият юритилмоқда.

Маълумки, қонун устуворлиги, энг аввало, конституция ва қонунлар барча учун бирдек баробар — тенг амал қилинишини зарурат қилиб қўяди. Жамиятдаги ҳеч бир куч — давлат ёки нодавлат тузилмалари, мансабдор шахс ёки оддий фуқаролар қонунни четлаб ўтишлари, уни суиистеъмол қилишлари мумкин эмас. Бу қоида адолат тамойилларига қурилган ҳуқуқий демократик давлатнинг бош шартидир. Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, Конституцион судга мурожаат қилувчи субъектларнинг доирасини кенгайтириш, айни вақтда долзарб бўлиб турибди. Бундай субъектлар доирасига маҳаллий ижроия ҳокимият, Омбудсман ва фуқароларни ҳам киритиш масаласи ечимини кутаётган вазифалардандир. Фикримизча, сайлов қонунчилигининг бузилиши, сайлов қонунчилигини назорат қилиш, Президент сайловини тасдиқлаш каби масалалар Олий Судга эмас, балки Конституцион суд ваколатига киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Олий суд ислоҳотларига келадиган бўлсак, сўнгги йилларда судни халқимизнинг ижтимоий онгида жазоловчи орган сифатида эмас, балки холис баҳо берувчи ва адолат ўрнатувчи орган сифатида шакллантириш жараёни давом этмоқда. Бу борада суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви катта аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда судларнинг ихтисослашуви аҳолининг уларга мурожаат қилишини анча кўпайтирди. Айни пайтда Олий судда ишларни кўриб чиқиш соддалаштирилди. 2000 йилда судда кўрилган ишларнинг сони 90 мингни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб бу рақам 327 мингтага етди. Жамиятни пухта яратилган қонунчилик тизими бошқариб боришига эришишимиз лозим. Бунда Қонунчилик тизими иерархиясини изчил ва мантиқий яратиш биринчи даражали аҳамиятга эга. Токи, Конституцион нормалардан тортиб энг оддий йўриқнома, низомгача яхши қурилган пирамидани эслатсин; булар орасида номутаносиблик ёки қарама-қаршилик бўлиши истисно этилади.

Кейинги йилларда судларда кўрилаётган ишларнинг мазмуни ҳам анча кенгайиб, улар бузилган ҳуқуқларни тиклаш, тадбиркорлик, молиявий ва бошқа масалаларни ташкил этмоқда. Суд тизимида қабул қилинган апелляция институти суднинг ҳал қилув қарорларини бекор қилиниши, апелляцияга тушган 56 фоиз ишлар бўйича янги қарорлар чиқарилишига олиб келди. Жазони қўллаш масалаларида ҳам сўнгги йилларда катта ўзгаришлар рўй бермоқда, эркинлаштириш — либераллашув ўзининг яхши самарасини бермоқда. Илгарилари жазонинг озодликдан маҳрум қилиш тури содир этилган жиноий хатти-ҳаракатларнинг 50 фоизини ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этмоқда. Ярашув институтининг қўлланилиши жазони 30 фоизга камайтириш имконини берди ва 26 мингдан ортиқ кишини жиноий жавобгарликдан озод қилиш имкониятини яратди.

Бу соҳадаги энг долзарб вазифа — бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, бошқа мажбурий чораларни қўллаш учун санкция беришни прокуратура органларидан судларга ўтказиш масаласидир.

Буни йўлга қўйиш зарур ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш имкониятларини очади. Шунинг учун масала, албатта, ўз ечимини топади деган умиддамиз. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришдаги ўта муҳим масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини олиб ташлаш масаласидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони чиқди. Бу жараён бизда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўлим жазосини қўллаш лозим бўлган 33 ҳолат асосан бекор қилинмоқда. Фақат террорчилик ва қасддан одам ўлдириш ҳолатларидагина бу жазо ҳозир сақланиб қолинди, вақти келиб бу жазо тури ҳам жиддий ташкилий — таҳлилий мушоҳадаланиб, узоқ муддатли жазо турига алмаштирилади. Суд ислоҳотларини амалга оширишда судларда фуқаролик ишлари бўйича махсус судларни ташкил этиш, апелляция институтининг киритилиши муносабати билан кассация инстанция чиқариш вақти етди. Ярашув институтини янада кенгроқ қўллаб, айбни бўйнига олиш бўйича ҳам келишув институтини қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилмоқда. Шунингдек, одил судловда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш, одил судловда халқ маслаҳатчилари тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим, фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни яхшилаш, жамиятимизда адвокатлар мавқеини кўтариш, уларнинг суд муҳокамаси жараёнида тенглигини амалда таъминлаш ўта муҳимдир.

Ҳозирги пайтда тергов ва судгача бўлган жараён назоратини судга олиб келиш масаласи кўриб чиқилиб, ўрганилмоқда.

Айни пайтда судда жамоатчиликнинг иштироки суд маслаҳатчилари институтининг ҳуқуқий мақомини қонун доирасида мустаҳкамлаш, ҳакамлик судларини — жамоатчилик суди сифатида киритиш масаласи, умуман, суд жараёнида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш тадбирлари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Хўжалик судининг фаолиятига келсак, суд ҳокимиятининг мустақил бўғини бўлган бу фаолият икки турдаги масалага алоҳида эътибор бермоқда. Бу хўжалик судларига мурожаат этишни кенг кўламда қўллаш, суд ҳимоясининг самарадорлигини оширишдир. Иқтисоднинг эркин ривожланиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг турлари ва сонининг ошганлиги хўжалик процессуал Кодексининг қабул қилиниши билан хўжалик низоларини кўплаб кўриб чиқиш имкониятини, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, келтирилган моддий-маънавий зарарни қоплаш каби ҳуқуқларни амалга ошириш имконини яратди. Модомики, жамиятнинг демократлашуви тадбиркорлик, хусусий бизнесга кенг йўл очилгани хўжалик низоларига талабни оширар экан, бу борада энди хўжалик судларининг даъво турлари бўйича ихтисослашувини талаб этмоқда. Масалан: корпоратив ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, банк ҳуқуқи каби халқ хўжалигининг тармоқларига қараб ихтисослашув амалга оширилиши лозим.

Хўжалик субъектларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни жамоа хўжаликларида, туманларда яхши йўлга қўйиш, бепул ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни замонда хўжалик судларининг фаолиятида маъмурий судларни жорий этиш заруратини ҳақида ҳам фикрлар билдирилмоқда. Демократик ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш жамиятда фуқаролик институтларини шакллантириш ва ривожлантириш заруратини қўяди. Жамиятдаги демократик ислоҳотларнинг марказида инсон ва яна бир карра инсон, унинг манфаатлари туришини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим. Халқимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат бошқарувидаги бевосита иштирокини таъминлаш борасида қатор ишлар қилинди, жумладан, сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасида зарур қонунлар қабул қилинди. Булар ичида сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун давлат томонидан ижтимоий-сиёсий ривожланишда демократик тамойилларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини рағбатлантиришдир. «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» шиори давлат тузилмалари билан бир қаторда нодавлат, жамоат бирлашмалари, сиёсий партияларнинг мавқеини, ҳуқуқий асосларини яратиш ва ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини кўтариш бугунги кунда уларнинг сонини беш мингдан ортиқ кўпайишига олиб келди. Бугунги ривожланишимиз талабларидан келиб чиқиб, жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кафолатлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаларининг, хайрия жамғармалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқилиши ижтимоий ҳаётимиздаги демократик ислоҳотларнинг натижаларидир. Ва бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси Ўзбекистонда демократияни ривожлантириш сари қўйилган салмоқли қадам бўлиб хизмат қилажак.

